БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШГА ТАЙЁРЛАШ

Улфат Маҳкамов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти профессори

Фотима Жуманова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти

Жамшид Равшанов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Замонавий билимларни ўзлаштириш, юксак маданият эгаси бўлиш, ўз фаолиятида юксак чўққиларга эришиш, мамлакат тақдири ва келажаги учун маъсулиятли, салоҳиятли, шижоатли, мустақил фикрлайдиган, ёшларни тарбиялаш учун олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларнинг фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки ўқитувчи ўзининг ақл-заковати ва илмини ўқувчи ёшларга бериши билан уларни юксак маданият эгаси бўлиш, юксак чўққиларни эгаллашда устозлик вазифаларини амалга оширади.

Калит сўзлар: ўқитувчи, тарбия, бошқариш, педагогика, методика, таълим.

ORGANIZATION AND MANAGEMENT OF FUTURE TEACHERS FOR EDUCATIONAL WORK

Ulfat Mahkamov
Professor of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Fotima Jumanova
Associate Professor of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Jamshid Ravshanov
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

One of the most pressing issues is the organization and management of future teachers in the higher education system to acquire modern knowledge, to have a high culture, to reach high peaks in their careers, to be responsible, potential, courageous, independent-minded, for the fate and future of the country, because by imparting his intellect and knowledge to the students, the teacher fulfills the duties of a teacher in order to make them have a high culture, to reach high results.

Keywords: teacher, education, management, pedagogy, methodology, education.

КИРИШ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “Фарзандларимизнинг истеъдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин

эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиб бериш бундан буён ҳам бош мақсадимиз бўлиб қолади”... Шу мақсадда биз “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” доирасида умумтаълим мактабларида биринчи марта “Тарбия” фанини жорий этмоқдамиз” деб таъкидлаши халқ таълими ходимлари мактаб ўқитувчилари олдига улкан вазифаларни қўйди.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда бугунги кунда замонавий билимларни ўзлаштириши, юксак маданият эгаси бўлиш, ўз фаолиятида юксак чўққиларга эришиш, мамлакат тақдири ва келажаги учун маъсулиятли, салоҳиятли, шижоатли, мустақил фикрлайдиган, ёшларни тарбиялаш учун олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларнинг фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки, ўқитувчи таълим мазмунини ривожлантириш, ўқувчилар билимларини чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш, уларни турли соҳаларга йўналтириш, таълим жараёнларида ислоҳотларни амалга ошириш, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялаш, хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиш, янги ғояларни ўз фаолиятида амалга ошириш, ўқувчи – ёшларни янада фаол, янада ташаббускор бўлиш, ўқувчиларнинг тафаккури, дунёқараши, талаб ва эҳтиёжлари, зийраклик, талабчанлик сифатларини янада ошириш, таълим-тарбиявий ишлар методикаси, шакл ва методларни ташкил этишда илм-маърифатга асосланиш кабиларни амалга оширишга масъул шахс хисобланадилар. Чунки ўқитувчи ўзининг ақл-заковати ва илмини ўқувчи ёшларга бериши билан уларни юксак маданият эгаси бўлиш, юксак чўққиларни эгаллашда устозлик вазифаларини амалга оширади.

Шуни алоҳида таакидлаш керакки, ўзбек халқи хаётида тарбия замон иқболи бўлиб, одамларни хурматлаш, билим эгаллаш, билимдонликни ҳис этиш, тушиниш, кишиларнинг бутун куч-ғайратини одоб ахлоқ эгаси бўлишга чорлаб келган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Абу Наср Фаробий, Маҳмуд Қошғарий, Абу Райхон Беруний, Абдураҳмон Жомий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Ибн Сино каби буюк алломалар, одамлар ичидан етишиб чиққан барча олиму фозиллар, шоиру ёзувчиларнинг барчаси ўз даврининг нуфузли, ҳурматли, эътиборли даражасига тарбия орқали эришганлар. Тарбия инсоннинг ақл,-идроки, билими, камтар, инсонпарвар, иордали ва эътиқод, етуклик сифатларини ривожлантириш, миллий қадриятларни мутассил равишда эгаллаш, ота боболаримизнинг фаолияти ва уларнинг ёшларга кўрсатган ғамхўрликлари ўрганишда ҳидоят сари етаклайди. Тарбия сўнмас маъшала сифатида фароғат салтанатига ҳеч бир заҳматсиз етказиш, юриш-туришда хурмат ва иззатда бўлиш каби инсон камолотига оид фазилатларни ривожлантиради.

Тарбия ҳар қандай шароитда ҳам нурли чўққиларига етишиш йўлини кўрсатиши билан бирга киши зеҳнини, фикрини қилич каби ўткир қилади ва ҳар бир

шахсга озуқа бериб, маданият, инсоният, маърифат дунёсига олиб киради. Ёмон одамлардан, бузуқ ишлардан қайтаради. Яхши хулқ ва одобли бўлишга, эътиқодларини оширишга хизмат қилади. Натижада кишилар хар ерда азиз ва хурматли бўладилар. Киши ҳаётидаги ишларни ҳақиқий тўғри йўлга соладиган восита бу – тарбиядир.

Шунинг учун ҳам халқ орасида тарбия орқали олий фазилатларга, улуғликка ва орзу истакларга эришган буюк кишилар қадрланадилар. Тарбия яхши ёмонни таниш, ҳалол-харомнинг фарқига бориш, дўстлик ва қариндош-уруғнинг фазилатларини англаш, қонун-қоидаларни тушиниш, ҳақ- ҳуқуқларини билиш каби ижтимоий аҳамиятга эга бўлган сифатларни камол топтиради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ўқитувчиларнинг устозлик қобилиятлари, истедодларини янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, таълим муассасалари фаолиятини бошқариш ва ташкил этишнинг махсус тизимини яратиш, мактабларда тарбиявий ишларни олиб борадиган бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан ҳурматни шакллантириш, уларнинг маънавий, ахлоқий, интелектуал ва жисмоний ривожланиши даражасини янада ошириш, билимларини такомиллаштириш асосида илм –маърифат бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, ўқувчи-ёшларни камолотга етказиш, ўз ишида аниқ натижаларга эришадиган, XXI асрда ҳамма нарсага қодир бўладиган, дунёга таниладиган, соғлом тафаккурга эга бўладиган устозлар фаолиятини ташкил этиш кабиларга давлат сиёсати даражасида аҳамият берилмоқда.

Чунки, ўқитувчи тарбиявий ишларни ташкил этишда истиқболли режаларни ишлаб чиқиши ва унда ҳар бир тадбирнинг мазмуни, мудатлари, масъул ижрочилар ва мўлжалланаётган тадбирларни самарадорлик даражасига аҳамият бериши муҳим ўрин тутади. Шу муносабат билан бўлажак ўқитувчи ўқув тарбия жараёнларини тахлил қилиш, турли услубларни қўллаш, онгли равишда фаол фикр юритиш, билимни сафарбар қилиш, ўзи бажарадиган барча иш жараёнларини мустақил равишда амалга ошириш каби тажриба ва педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Бунинг учун ўқитувчи ўз мақсадини амалга ошириш, ташаббус кўрсатиш, қатъиятлик билан ўйлаб қарорлар қабул қилиш ва уларни изчил суръатда бажариш, режага амал қилиш жараёнларида иродали, хис-туйғу, эзгулик, эҳтиёж, кучли ва матонатли бўлиши ўқувчиларда она юртга садоқат туйғусини ривожлантиради.

Шиддат билан ўзгараётган янги Ўзбекистонда ўқувчи-ёшларни муваффақиятли ижтимоий ҳаётга тайёрлашда масъулият, мажбурият, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, теран дунёқараш, соғлом эътиқодлилик, маърифатлилик, диний ва миллий бағрикенглик, маънавий, фуқаровий, маданият каби фазилатларни шакллантириш кун тартибидаги асосий масалаларга айланиб бормоқда.

Чунки дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва мафкуравий жараёнларга тўғри баҳо бера олиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда тўғри қарор қабул

қилиш, ҳаётда ўз ўрнини топиш билан боғлиқ бўлган аниқ мақсадларни шакллантириш, оила-жамият ўртасидаги муносабатларнинг узилиб қолишининг олдини олиш, лоқайдлик, ҳуқуқбузарлик, "оммавий маданият"нинг турли кўринишларидан сақлаш имкониятини яратишда ижобий таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан ҳам бўлажак ўқитувчилар тарбия ишларини ташкил этиш ва бошқаришда илғор педагогик тажрибаларни аниқлаш, ўрганиш ва уларни оммалаштириш, илмий-тадқиқот изланишларини амалга ошириш ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўқувчилар тарбиясида оиланинг мактаб билан ўзаро самарали ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ота-оналарга, бошқа миллат ва маданият вакилларига бўлган ҳурматни умуминсоний тамойилдан келиб чиқиб шакллантиришни қўллаб-қувватлаш, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, "Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари" тамойилига асосланиш, маънавий-ахлоқий жиҳатдан муаммоси бор ёки тарбиясида бўшлиқлар мавжуд бўлган ёки нотинч оила фарзандлари, жиноятчиликка мойил бўлган ёки профилактик рўйхатда турадиган ёшлар билан индивидуал тарзда ишлаш тизимини такомиллаштиради. Шу муносабат билан бўлажак ўқитувчилар "Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари" тамойилининг мазмун ва моҳиятини ўқувчиларнинг онгу тафаккурига сингдириш, ўқувчиларни муваффақиятли ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, фаол фуқаролик позицияларини мустаҳкамлаш, масъулият, мажбурият, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, теран дунёқараш, соғлом эътиқодлилик, теран маърифатлилик, бағрикенглик, миллий, маънавий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, ўзларининг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш ёшлар ўртасида учраётган салбий ҳолатларнинг асл сабабларини аниқлаш ва олдини олиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни кескин камайтиришга қаратиш миллий ғурур ва ифтихор, моддий ва маънавий меросни асраб-авайлашга қаратилган инсонпарварлик туйғусини таркиб топтириш кабиларни амалга оширишлари тарбия жараёнинг асосини ташкил этади.

Ушбу жараёнда, бўлажак ўқитувчилар тарбия жараёнини бошқаришда давлат таълим стандартлари талабларига асосланган ҳолда ўқувчилар билим ва ҳаётий кўникмаларини мустақил ва эркин фикрлашни ҳамда уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, янги авлод тарбиясига оид ўқув-методик мажмуаларини яратиш ва амалиётга жорий этиш асосида таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, уларнинг ўқув материалларининг тўлиқ ўзлаштирилиши натижасида фанлар мазмун-моҳиятини тўлиқ англаш ва ҳаётга татбиқ қилиш, ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини, ватанпарварлик ва миллатлараро тотувлик маданиятини шакллантириш фан-техниканинг энг сўнгги ютуқлари билан таништириш, ўқувчиларни фикрлашга, амалий ишларни бажаришга, тажрибалар ўтказишга ўргатишда янгиликларни қабул қилиш

қобилиятлари, ва билимларини ўзлаштириш даражасини ҳисобга олиниш кабиларни амалга ошириш тарбия самарадорлигини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 422 сонли қарорида умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг ёши ва психофизиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг онгига умуминсоний қадриятлар ва юксак маънавиятни янада чуқур сингдириш, уларни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, умумий ўрта таълим муассасаларидаги маънавий-тарбиявий ишларни янгича асосда ташкил этиш вазифалари кўрсатилган.

Ушбу қарорда 2020 — 2023 йилларда республика олий таълим муассасаларининг «Бошланғич таълим», «Тарих» (мамлакатлар ва минтақалар бўйича), «Тарих ўқитиш методикаси», «Филология ва тилларни ўқитиш: Ўзбек тили», «Ўзбек тили ва адабиёти», «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими», «Педагогика ва психология», «Диншунослик» ва Исломшунослик (Ислом тарихи ва манбашунослиги)», «Психология (Дин социопсихологияси)» таълим йўналишлари битирувчиларига умумий ўрта таълим мактабларида «Тарбия» фанини ўқитиш ҳуқуқи берилган. Мазкур таълим йўналишлари ўқув режаларига 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб тегишли ўзгартиришлар киритиш кўрсатилган. Шу билан бирга умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун "Тарбия" фани Концепцияси ишлаб чиқилган.

Концепцияда мазкур фанни давлатнинг таълим-тарбия соҳасидаги сиёсатини амалга оширишда мавжуд бўлган долзарб муаммоларни ҳал этиш, ёш авлод тарбиясидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишнинг устувор вазифаларининг асосий мақсад ва йўналишларни белгилаб берилган.

Концепцияда Ўзбекистон Республикасининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган ёшлар тарбияси шахсан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббускорлигида давлат сиёсати даражасига кўтарилганини инобатга олиб, ушбу йўналишдаги принципиал ёндашувларни такомиллаштириш, стратегик мақсад ва вазифаларнинг концептуал асосларини ишлаб чиқишга эътибор қаратилган.

Концепцияда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги онгли ватанпарварлик руҳини ривожлантириш; замонавий илмий-тадқиқотларга асосланиш; очиқлик ва шаффофлик; тарбия соҳасига оид ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; тарбия соҳасига доир сиёсатни амалга оширишда иштирок этувчи давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, хусусий сектор фаолиятининг мувофиқлиги ва мутаносиблиги кабилар унинг асосий принциплари этиб белгиланган.

Шунингдек концепцияни амалга ошириш орқали шахс тарбиясида миллий норматив-ҳуқуқий базани мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ шакллантириш; вазирликлар ва идоралар, муассасалар, давлат ҳамда нодавлат корхона ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари "Тарбия" фани концепциясининг амалга ошириш тизимини ташкил этиш каби хуқуқий асослари кўрсатилган.

Канцепцияда "Тарбия" фани малака талаблари, ўқув дастурлари ва ўқув режаларини шакллантириш; дарсликларини яратишда самарали тарбия технологияларини жорий этиш; "Тарбия" фани ўқув-методик мажмуасини яратиш ва амалиётга йўналтириш; давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўқувчилар томонидан одоб-ахлоқ, билим, кўникма ва малака ҳамда компетенцияларнинг тўлиқ ўзлаштирилишига эришиш; ўқувчиларда мустақил ва эркин фикрлашни ҳамда уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш; ўқувчиларда илмий дунёқараш ва глобал тафаккур юритиш компетентлигини шакллантириш; умумтаълим фанларини ўқитишнинг принципиал янги методологияси асосида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашга эътибор қаратилган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг асосий вазифалари таълим орқали иқтидорли ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, ташаббускорлик ва ижодкорлик, саломатлигини мустаҳкамлаш, илмий анжуманлар, ижодий кўргазмалар, танловларда иштирок этиш кабилар асосида тарбия сифатини мазмунини такомиллаштиришдан иборатдир.

Бўлажак ўқитувчиларда “Тарбия билимдонлари” ўйинлари, уларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларга мос келадиган олимпиадалар, “Иқтидорли талаба” гурухлари ташкил этиш, “Билимдонлар шоуси”, “Касбим фахрим”, “Мард ўғлон” мавзусида семинар уюштириш орқали ўқувчилар билан муомалани ташкил қилиш, мулоқотга киришиш масалаларини эътиборга олиши мақсадга мувофиқ хисобланади.

Ўсиб келаётган ёш авлодни янги Ўзбекистонга муносиб қилиб тарбиялаш ўз навбатида бўлажак ўқитувчилар фаолиятини давр талаблари асосида ташкил этишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳозирда янги Ўзбекистон истиқболи учун курашчи, чуқур маъсулиятни ҳис қиладиган ёшларни тарбиялашда эски усуллардан воз кечиб, шарқона ва демократик жараёнлар асосида жамиятга ҳурмат, мустақилликни мустаҳкамлаш, инсонларга инсоний муносабатда бўлиш каби фазилатларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ана шу талаблар асосида ўқувчиларнинг ҳаёт тажрибаси, ахлоқий маданияти шаклланиб боради. Бу ёшда йигит ва қизлар жамиятда, жамоада, ижтимоий ҳаётда ўз ўринларини топишга, мамлакат олдида турган улкан вазифаларни ҳал этиш учун курашга фаол равишда қўшиладилар. Шу сабабли ўқувчиларни жамият манфаати

учун қилинадиган бунёдкор ишлари учун илҳомлантириш ўқитувчининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Чунки ҳар бир боланинг жамият ҳаётида иштирок этиши тарбиявий ишнинг муҳим самараси сифатида миллат истиқболи, тараққиёти билан боғлиқ муаммоларни миллий бирдамлик ва миллий ҳамкорлик туйғуларини ривожлантиради. Бўлажак ўқитувчилар дарс ва дарсдан ташқари жараёнларида Ўзбекистонда "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати ташкил этилгани ва унинг мақсади дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб қувватлашга қаратилганлигини ўқувчиларига тушинтиришлари лозим.

Бўлажак ўқитувчилар "Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари" тамойилига асосланган ҳолда ёшларни она-юртга садоқат рухида тарбиялаш, уларга ташаббускорлик, фидоийлик, ахлоқий фазилатларни шакллантиришга тайёр бўлишлари муҳим. Бу ўринда бўлажак ўқитувчининг илм-маърифати шундаки ўқувчиларнинг жамиятга бўлган муносабатини, таълим-тарбия ишларини, ўзбек халқининг тарихи, маънавий қадриятлари, республикамизнинг истиқболи билан чамбарчаст боғлиқ холда олиб бориш натижасида уларда фахрланиш, миллий манфаатларни амалга оширишга интилиш, бошқа халқлар ва миллатларнинг миллий қадр-қиммати удумлари, тарихи, адабиёти ва санъатини ўрганиш туйғуларини шакллантиради.

Бўлажак ўқитувчи ўзининг фаолиятида малакали ва тажрибали, чуқур билимга эга давлат ва чет тилларни, замонавий педагогик технологияларни ва ўқитишнинг инновацион услубларини билиши, кластер методи асосида бошқа ташкилотлар, йирик компания ва бирлашмалар билан алоқада бўлиши асосида таълим мазмунини такомиллаштириши, миллий ва жаҳон адабиёти, мусиқа, кино, ҳайкалтарошлик, амалий санъат ва бошқа ижодий йўналишлардаги билимларга эга бўлиши, таълим жараёнида ахборот янгиликларини жорий этиш, замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ва тасдиқланган меёрлардан келиб чиқиб, янги ўқув лаборатория, илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш, мактаб ўқувчиларида ижодий танловлар, тест ва бошқа синовлар асосида уларнинг билим, кўникма ва малакаларини, истедодини ривожлантиришга қаратилган машғулотлар олиб бориши кабилар таълим-тарбия самарадорлигини оширади.

Албатта бунда ўқитувчининг малакали ва юқори компонентга эга бўлиши, ўқувчи-ёшларга ҳозирги кунда дунёда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни уларнинг онги ва қалбига етказиши муҳим ҳисобланади. Ушбу жараёнда ўқитувчи Ўзбекистон халқининг тарихий ва миллий ананалари, маънавий қадриятлари ҳамда жаҳон маданияти ютуқлари билан ўқувчиларни таништириши, уларда илмий, техникавий ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириши, уларнинг ташаббусларини қўллаб қувватлаши ва ўзаро муносабатлар орқали бир бирига ишонч, ўзига ва ўзгаларга ҳалол, ҳақиқат билан қараши, ўз олдидаги маъсулиятини тўлақонли ҳис эта олишга тайёрлаши керак. Ўқитувчи тарбия жараёнида ўқувчи

шахсини ўрганиши, уларнинг ишончини қозониши, ўзаро тушинишга эришишда тўғри ёндашувни қўллаш, манфаатларини хисобга олган холда ўзини жозибадор тутиши, ўз муносабатларини ифодалаши, ҳис туйғуларини сезиши ва уларга кўмак беришда замонавий ва оқилона тизим яратиши, тадбирларни адолатли ташкил этиши кабилар уларда инсон ва жамият ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш, ижодий фикрлаш, ҳаётда фаол иштирок этиш ва ташаббус кўрсатишга оид ижтимоий-психологик муносабатини қарор топтиради. Шу жиҳатдан ҳам ўқитувчи жамият, давлат ва оила олдида ўз маъсулиятини ҳис этадиган, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри англайдиган ватанпарвар ва халқпарвар шахсни шакллантиршга эътибор қаратиши, ўқувчи фаолиятини зийраклик, диққат билан кузатиши, уларга ёрдам бериши, муаммоларни муҳокама қилиши, тўғри қарорлар қабул қилиши жараёнида суҳбатлар, сўровномалар, тестлар ўтказиш асосида уларнинг фикри, дунёқарашини ўрганиш, хато ва камчиликларини аниқлаш имкониятини беради. Ушбу жараёнда таълим-тарбия натижаларини ўрганиш, хулосалар тайёрлашда ўқитувчининг назарий, услубий тайёргарлик даражаси, педагогик маҳорати ва шахсий сифатлари муҳим ўрин тутади.

Бўлажак ўқитувчиларда тарбия жараёнини бошқариш маднаиятини ривожлантириш бу –унинг аҳлоқий фазилатларга эга бўлиш санъати ва кўникмасини амалга ошириш, ишбилармон, билим даражаси, устозлик маҳорати, онги, жамиятдаги обрўси, ўзини ижобий тарзда намоён қилиши, мақсадли равишда иш олиб бориши, дунёқараши, танқидий фикрлаши, жамоадаги муҳитни сезиши, энг муҳими олиб бораётган иш фаолиятини аниқ режалаштириши, турли-туман вазиятларни таҳлил қила олиши, ўқувчиларнинг ўзига жалб этиши ва ишонтира олиши, сўз билан иш бирлигини таъминлаши кабилар унинг асосий компетентцияси хисобланади.

Бўлажак ўқитувчилар тарбиявий ишларни амалга оширишда ўз вазифасини пухта ва ҳалол бажариши, ўқувчилар фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг маъсулияти ва маънавиятини юксалтиришда ўз самарасини кўрсатади.

Ўқитувчининг касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга бўлиши, тарбия жараёнини бошқаришда ҳар тамонлама тўғри қарорлар қабул қила олиши, белгиланган мақсадларга эришишда аниқ вазифаларни белгилаб беради. Ўқитувчи нафақат таълим-тарбия ишларини олиб боришда, балки жамиятнинг тараққий этишида катта куч вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳар қандай ўқитувчи аввало, ўз ўқувчиларининг ҳаётий даражаларини пухта билиши ва бу соҳада иложи борича катта тажриба ҳосил қилиши муҳим.

Тарбия жараёнини адолатли бошқариш тизими, аввало, ўзига нисбатан шубҳа уйғотмаслик учун жамият қонунларни пухта ва чуқур ўрганиб чиқиши ва ўқувчиларни уларга ишонтириши катта мустаҳкам асос ва тажрибага эга бўлиш имкониятини яратади.

Тарбия жараёнини адолатли бошқариш ўқувчиларнинг қонунларга эҳтиёж сезиши ва уларни ўрганиб, унга амал қилишлари уларнинг хулқ атвор ва хатти – харакатларига сабаб бўлувчи тўғрилик, одоблилик, камтарлик, хушёрлик, сахийлик, мурувват ва табиий хусусиятларини ривожлантиради.

Бўлажак ўқитувчилар тарбия жараёнини бошқаришда ўзаро ҳамжиҳатлик ва тенглик тамойилига амал қилган холда ўз ишидан огоҳ бўлиши ва бехато ишлаши, ўқувчиларнинг билиб ёки билмай қилган хатоларини бартараф этишга ёрдам беришлари муҳим ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки ўқувчилар кўп жиҳатдан ўқитувчиларига таҳлид қиладилар. Ушбу жараёнда ўқитувчи тўғри йўл тутса ўқувчилар ҳам тўғри йўл тутадилар.

Бўлажак ўқитувчиларда тарбия жараёнини бошқаришнинг кўлами жуда кенг. Ушбу тизимида мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий тамойиллари, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаёт, қадриятлар, анъаналар ва бошқа бир қатор жиҳатларини мактаб фаолиятида амалга ошириш ўқитувчининг фаолияти, технологиси, хулқ-атвори, усуллари билан боғликдир. Албатта бу ўринда ўқитувчи ўқувчиларга таъсир этиши. Тарбия жараёнини бошқариш фаолиятининг ўзига хос кўринишини ифода этади ва ижобий натижалари билан хилосаланади. Бунинг учун бўлажак ўқитувчилар тарбия жараёнида ахборот манбаларидан олинган барча маълумотларни таҳлил этади ва унинг асосида аниқ ҳаракатларни амалга оширади.

Тарбия жараёнида бошқариш маданиятини вазифаси, мазмуни, амалга ошириш шакли ва ўз усуллари, мураккаблик даражаси ушбу жараёндаги муаммоларнинг кўлами, мураккаблиги, миқдори ва тузилиши, улар ўртасидаги алоқа, қўлланилаётган усулларнинг, ташкилий тамойилларнинг турли-туманлиги, янгилик даражаси, талаб этилаётган ўзгаришлар, ноанъанавий ёндошувлар ўқитувчиларда масъулиятлилик хусусиятларини ривожлантиради.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўқитувчининг тарбиявий ишларни бошқариш компетенцияси маънан соғлом, кенг дунёқарашга эга, ўзи ва бошқалар билан тил топишиб, атрофда бўлаётган воқеаларга муносабат билдира оладиган ўқувчи шахсини вояга етказишдир. Тарбия ўқитувчи ҳаётидаги энг асосий, муқаддас вазифаларни сабр-қаноат ва ишонч, қатьият, чидам ва билим билан амалда қўллаш ўқувчининг дунёга бўлган муносабатини, истак ва хоҳишларини тўғри йўл билан билдириш, уни рағбатлантириш, руҳлантириш, суҳбатлашиш, қийнаётган саволларга жавоб топиш, ўрни келса, биргаликда ўйинлар ўйнаш кабилар тарбиявий ишларни бошқариш маданиятига хосдир. Ўқувчи жамият қадриятларини, аввало оилада, мактабда ўрганади. Аҳлоқ-одоб қоидаларига амал қилган ўқувчи ҳар қандай шароитда ўзларини тутишлари, тарбия ўчоғи саналган оилада болалар синфдошларини

кузатишлари ва фанларни ўзлаштиришлари билан ҳар лаҳзада турли оламда бўлаётган турли ўзгаришларга муносабат билдириш муҳим ҳисобланади. Ҳар бир ўқувчининг ўз дунёси ўзига хос қарашларини ўқитувчи англаши уларга меъёридан ортиқ қаттиққўллик қилмаслиги унинг руҳий ҳолатини такомиллаштиради. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўқувчиларнинг дунёсига кириши ва улардан талаб қилинаётган билим, фаолият, тажриба соҳиби бўлишлари учун шарт-шароитлар яратиш зарур.

Тарбия жараёнини бошқаришда мактаб педагогик жамоаси ўқувчиларда ўзаро муносабатлар, вазифалар, ички ва ташқи муҳит, фаолият, ўз ишини ўз вақтида бажариш, ўзини англаш каби хусусиятларни шакллантиришга таъсир этади. Ушбу жараёнда ўқитувчи нафақат оддийгина ғояларни ифодалаш ёки ўз нуқтаи назарини амалга ошириши балки унинг давомида ўқувчиларни ўрганиши билан биргаликда фаолият, музокоралар олиб бориши, ишончни қозониш, ўзаро тушиниш, тўғри ёндошиш, бир бирига ҳурмат, муносабат ўрнатиш, уларни эшитиш кўникма ва малакаларга эга бўлиши муҳим ҳисобланади. Ўқитувчи ўқувчилар учун жозибадор бўлиш билан бирга уларни англаши лозим.

Тарбия жараёнини бошқаришнинг энг самарали усулларидан бири ўқитувчи ўз нуқтаи назарини кўргазмали шаклда, рангба ранг, кутилмаган, ҳаётдан олинган воқеалар ва мисоллар билан тақдим этилишидир.

Тарбия жараёнини бошқаришнинг маҳоратли устаси аудиториянинг эмоционал ҳолатини сезиши ва унга тўғри муносабат билдира олиши, ўқитувчи ўз ҳиссиётларини босиб туриши, баъзида эса, аксинча уларни ташқарига чиқариб ташлашлари унинг маҳоратли эканлигини намоён этади. Чунки ушбу жараён ўқитувчидан зийракликни, диққат билан фаолиятини режалаштириш ва уни амалга оширишни талаб этади. Шунинг учун ҳам тарбия жараёнини бошқаришда фаолият олиб бораётган мактаб директори, ўқитувчилар, синф раҳбарлари муаммоларни ҳал қилиш, ўқувчиларнинг позициясини ўзгартириш, мавжуд даллилар тўғрилигини тасдиқловчи ҳолатни атрофлича тайёрлаш ва уларга тўғри ёндошиш, кузатиш кабилар уларнинг маънавий фаолиятида ҳаётий аҳамиятга эга бўлган муҳим омилга айланади ва тарбия жараёнини бошқариш самарадорлигини таъминлайди. Тарбия жараёнини бошқаришда ўқитувчи ўтказилаётган тадбирларнинг изчиллиги ва унинг ишончилигига таъсир этади. Ўқувчи фаолиятидаги зарур бўлган масалани ижобий ҳал этади. Уни бурчакка тиқиб қўймай унга “ўз сиймосини сақлаб қолишга” имконият яратади. Ушбу жараёнлар бевосита ўқитувчининг имижи ва мақомини оширади.

Ўқитувчи ҳар доим ўқувчилар билан ижобий муносабатда яхши суҳбатдош бўлиши, бир-бирларини тўғри тушиниши, уларнинг (мимика), ҳаракатлари ва туришини назорат ва таҳлил қилиши ва амалиётда фойдаланиши кабилар тарбия жараёнларини самарали бўлишини таъминлайди. Тарбия жараёнини бошқаришда ўқитувчи ўқувчилар олдида фақатгина эришиш мумкин бўлган мақсадларни қўйиш,

уларнинг керакли ғояларини тақдирлаш кабилар уларнинг қизиқиш-истак-хоҳиш-харакатларига эътиборли бўлиш имкониятини яратади.

Бўлажак ўқитувчилар тарбиявий ишларни бошқариш маданиятини ривожлантиришда ўқувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш, мақсадга эришиш, келишишга ёрдамлашиш усулларини муваффақиятли амалга ошириш, ўз устида ишлаб, қизиқрли ва мазмунли тадбирларни ташкил этиш уларни ёдида бир умр эсда қолади. Тарбиявий ишларни бошқариш жараёнида ўқитувчининг маълум малака ва тажрибалари машқлар орқали такомиллаштирилади. Шу жиҳатдан ҳам ўқувчи шахсини ривожлантиришдаги тажрибаларни таҳлил қилиш йўл қўйилан хатоларни топишга имкон беради. Ушбу жараёнда ўқувчилар фаолиятидаги камчиликларни қандай бартараф этиш йўлларини кўрсатиш, муҳокома этилаётган масалани яхши билиш, дўстона муносабатда бўлиш, таълим олувчиларда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, тарбия таълим ишларини бошқаришда ижобий таассуротларни юзага келтириш, ўқувчиларга таъсир этиш билан бирга ушбу жараёнларни улар ишончли тарзда қабул қиладилар.

Ҳар бир ўқитувчининг ўзига хос тарбия усуллари бор. Ўқитувчининг ҳулқ-атвори, орзулари, мақсад ва ютуқлари ўқувчининг ўзига хос бўлиб етишишига таъсир қилади. Ўқувчидаги камчилик ва хатоларни аниқлашда, дастлаб ўқитувчи унинг муомаласини ўрганиш сезиларли натижа беради. Бола ўзида айнан ота-онасининг фазилатларини мужасамлаштирмаса-да, тарбия жараёнида ўқитувчи ўқувчиларга меҳр бериб, уларни қўллаб-қувватлаш, кўмаклашиш, севиш ва севилиш каби гўзал туйғуларни ривожлантиради. Тарбия эса ўқувчиларга билимлар, қоидалар, қадриятлар, шахснинг ижтимоийлашуви учун керак бўлган барча анъаналарни амалга оширади. Ўқитувчи ўқувчи тарбияси даражасини аниқлаш учун маълум бошқарув тизимини яратиши ва ушбу жараёнда улардаги севги, меҳр ва тарбия жиҳатларига эътибор бериши ва унинг ҳар бир истагини амалга ошириши, улар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайди. Тарбия жараёнини бошқаришда белгиланган тартибга амал қилиш ўқувчининг ҳатти-харакатларини қатъийлик билан талаб этиш уларда билимларни кенгайтириш, дарров мулоқотга киришиш, адашган инсонни кечириш, унга кўмаклашиш, кечиримли бўлиш, ўзига ва атрофдагиларга ишониш, меҳрибон бўлиш, яхшилик қилиш, кўмак бериш туйғуларини ривожлантиради. Ўқитувчининг ўқувчиларга нисбатан мустақил ва тенглик муҳитини яратиши, ўта мулойим муносабатда бўлиши тарбияланувчиларда мустақил фикр ва ахлоқни шакллантиради. Ўқувчининг тўғри ва нотўғри, яхши ва ёмонни ажратишини ўқитувчи унинг ўзига қўйиб беради. Унга нима қилиш ёки нимани қилиш мумкин эмаслиги тўғрисида берилган йўналишлар ўқувчи ҳақ-хуқуқларини ривожлантиришга қарамай белгиланган тартибга бўйсиниши қатъий талаб этилади. Мазкур бошқарувни танлаган ўқитувчи “Менинг ўқувчим идеал фазилатлар соҳиби бўлиши лозим”, деб

ҳисоблайди ва ҳеч қачон унга тазйиқ ўтказмайди. Ўқитувчи ўқувчининг мақсади ва ҳаракатлари, ҳаёт синовларида кўмакчи бўлиб, уни бахтли қилишни ўйлайди.

Мазкур бошқарувда тарбияланган ўқувчилар ҳамиша бир-бирларидан ёрдам кутадилар, барча истаклари бажарилишини хоҳлайдилар. Шунингдек, ҳамманинг диққат-этиборида бўлишни истайдилар. Ўқитувчининг мулойимлик билан бошқаруви ўқувчи шахсининг ривожланишига таъсир кўрсатади. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки баъзибир ўқувчилар айтган нарсасига эришмаса, ўқитувчига таҳдид қиладилар. Танқидни кўтара олмаганлари учун ўзларини назорат қила олмайдилар. Тарбиясизликка ўрганган ўқувчилар мактаб қоидаларига бўйсинишда, синфдошлари билан тил топишиб кетишда муаммога дуч келадилар. Ҳар бир истаклари бажо келтирилгани учун вақт ўтиб, ўқувчи қаноат қилмасликни ўрганади. Оқибатда ўқувчи ҳар бир хохишини одат тусига айлантиради ва кези келганида ахлоқ қоидаларини ҳам тан олмайди. Бундай холатларни вужудга келмаслиги учун ўқитувчи ўқувчига маҳр кўрсатиши муҳим ҳисобланади. Бунинг учун ўқитувчи барча имкониятларини ишга солади. Бунинг натижасида ўқувчиларда меҳрибон бўлиш, ўзига нисбатан ҳурмат ва қадр, энг кичик саъй-ҳаракат, ўз мақсадини амалга ошириш хусусиятлари шаклланади. Бундай бошқарувда ўқувчилар ўзига ишонч, инсон бўлиш, жамиятда ўз ўрнини топиш, қарор қабул қилиш хусусиятлари шаклланади.

Ўқувчилар ўртасида яхши муносабат маънавий яқинлик, қадриятли йўналишларнинг бирлиги, вазият ва манфаатларнинг умумийлигида пайдо бўлади.

Баъзи бир ўқувчиларнинг муваффақиятсизлик холатлари унинг ҳарактеридаги салбий сифатлари, мақсадини амалга оширишдаги қийинчиликлар уларда умумий йўл-йўриқлардан ташқари зарурий билимларнинг йўқлигини кўрсатди. Ушбу жараёнда ўқитувчи ўқувчини ўзига жалб этишнинг аниқ усулларидан фойдаланиши унинг маҳоратига боғлиқ. Ўқитувчининг касбий билимларига эгалиги унинг маънавий юксалишида, ақлий қобилятларида, қизиқувчанлик билан фойдали маълумотларни тўлдириб боришда, сезиш, ҳис этиш маданиятини юксалтиришда, эстетик тарбияни ривожлантиришда, иродани тарбиялашда муҳим кўрсаткичлар хисобланади. Ўқитувчи фаолиятида унинг касбий маҳорати, дунёқараши кабилар тарбия самарадолигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга хисобланади.

Тарбиявий ишларни бошқаришда ўқитувчи фикрлаш, экстремал ҳолатларда ишлай олиш лаёқати, нохуш холатларга қарши тура олиш, алоқа, ҳамкорлик, ихтилофларга бардошлилик, меҳнатдан қониқиш, ўз-ўзини ривожлантириш, фаолиятини лойиҳалаштириш, ўзини ўзгартира олиш каби компетентларга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чунки ушбу жараёнларда ўқитувчининг қандай касбий ва психологик сифатларга эга бўлиши тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Бундай ёндошувда бошқарув, ташкилий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, иқтисодий-хўжалик каби вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ўқитувчи маъсулият билан олиб борилган тарбия ишларини таҳлил этиш, назорат қилиш ва муайян мазмундаги хулосаларни тайёрлаш мумкин.

Ўқитувчининг ўта нозик, ноёб хусусият ва аломатлар, инсоний фазилатларга эга бўлиши, янги фикрларни билдириши ўзининг таъсирчанлиги, қатъият ва иродаси билан ўқувчиларни бошқариши, уни турли қалтис қадамлардан асраб, тўғри йўлга бошлашга хар қандай шароитда ҳам уларнинг руҳини кўтариш, лўнда қилиб айтганда, ҳар қайси таълим олувчининг юрагига етиб боришга, унинг кучига куч, ишончига ишонч, ғайратига ғайрат қўшишга қодир бўлиши шарт.

Жамиятда ўқитувчининг ўрни бениҳоя муҳим. Ўқувчи-ёшларни эзгу ниятлар билан ўзига эргаштира олган ўқитувчи ҳамиша уларнинг ҳурмат-эътиборида бўлади. Ўқувчиларни бир бирларига суяниб, таяниб, бир бирларини тушиниб, муаммоларини биргалашиб бартараф этишга даъват қилиш ҳақиқий ўқитувчининг ноёб фазилати ҳисобланади. Ўқитувчининг катта душмани – кибру ҳаво, ўзига бино қўйиш, ўзига ортиқча баҳо беришдир. Бундай ўқитувчи узоққа боролмайди.

Ўқитувчи ўқувчилар ўртасида маънавий – руҳий, сиёсий-ахлоқий муҳитни ҳам яратади. Демак, ахлоқ маданияти, унинг самарадорлиги бевосита унинг кайфиятига, ўқувчиларга бўлган муносабатига боғлиқ.

Ҳақиқий ўқитувчи барча ўқувчиларга бирдай одилона муносабатда бўлади. Албатта, ўқувчилар ҳар хил. Уларнинг орасида гап уқмайдиган, баъзан эса рўй рост эътироз билдирадиганлари ҳам бўлади. Ўқитувчи дегани барча фазилатлари билан бир қаторда нуқсонлари билан ҳам яхлитлигича устоздир. Ҳақиқий ўқитувчи ана шу яхлитликни англаб ақл билан ҳис этиб, ўқувчиларнинг бошини қовиштириб, ўзига эргаштира олиши билан улар олдида муносиб ҳурмат ва иззат қозонади. Тарбиявий ишларни бошқаришда ўқитувчи маънавияти жиддий аҳамиятга эга бўлган ҳолат. Бунда унинг маъсулияти, аҳлоқий тамойил ва қоидаларига онгли равишда риоя этиш иродаси ўқувчи ҳаётини бутунлай ўзгартириш, таҳлил этиш, англаб етиш ва ҳимоя қилиш, нафақат ўз хатти-ҳаракатлари, ишлари ва унинг натижаси учунгина эмас, балки ўз қобилиятини рўёбга чиқариш самарадорлигини оширади.

Бунинг учун ўқитувчи тарбия жараёнида ўз мақсадини аниқ белгилаши ўқувчилар фаолиятини ривожлантириши, аҳборотлар билан таништириши, мулоқат қилиши, улар шаҳсини ҳар томолама ўрганиши, тарбия шаклини танлаш ва ташкил этиш, ўқув фаолиятини лойиҳалаш, тўғри муносабатларни ўрнатиш, мактаб мамурияти билан ҳамкорлик қилиш маҳоратига эга бўлиши мухим ҳисобланади. Дарҳақиқат, мақсадга интилувчанлик, маъсулиятлилик, ижодга мойиллик, намуна кўрсатиш кабилар ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро бир-бирини тушинишларига имконият яратади. Ўқитувчи тарбия маъзмуни ва усулларини

амалга оширишда ўқувчиларнинг ёши ва индивидуал-психологик ҳусусиятлари ва натижаларининг афзалликлари ва камчиликларига этибор қаратиши билан бирга ҳар бир машғулотда ўз позицияси, ижодий жиҳатлари, ўзини ўзи идрок этиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Ушбу жараёнда ўқитувчи тегишли маълумотларни эгаллаши ва уларни қайта ишлаши, тажрибаларда қўллаши мухим. Чунки, бугунги кунда жамиятнинг таълим хизматларига бўлган эҳтиёжининг кундан-кунга ошиб бориши ўқитувчи маъсулиятини янада ривожлантиришни талаб этмоқда. Ушбу жараёнда ўқитувчи фаолиятининг компитенти муҳим ўрин тутади.

ХУЛОСА

Ўқитувчи компитенти бу умумий тушунча бўлибгина қолмай, балки ўз-ўзига нисбатан муносабатлар, ўз-ўзини англаш ва ўқувчилар жамоасини мустаҳкамлаш, таълимни ривожлантириш ҳақида маълумотларга, тажрибаларга эга бўлиш, ўз фаолиятини ижодий ташкил этиш, мактаб педагогик жамоасида, оилада, жамоат ташкилотлари узвийлигида болалар тарбиясини доимо назорат қилишни такомиллаштириш ўз самарасини беради. Бу ўринда ўқитувчи ўз фаолиятини доимо баҳолаб бориши, яъни ўтган йилда қандай фаолият кўрсатдим? Қандай ютуқ ва қийинчиликларга эга бўлдим? Бу йилги ўқув йилида қандай тарбия ишларини амалга ошираман? Келажакда ўзимни қандай тутишим керак? Мен ўқувчиларни қандай кўришни истайман? Педагогик жамоада ҳамкасибларим менинг фикримни, қандай баҳолашади? каби саволларга ўзи жавоб топиши муҳим ўрин тутади.

Ўқитувчи ўз фаолиятида хар-бир ўқувчи шаҳсига бир бутун сифатида қараши базибир, қарама-қаршилиларни бар-тараф этишда ва тизимларни бирлаштириш ишларини амалга оширади.

Бунда ўқитувчи дунёни англайдиган ва тушунадиган даражада билимга эга бўлиши ва эгаллаган маълумотлари ва тажрибалари асосида ўз фаолиятини ҳатти-ҳаракати такомиллаштириши билан бирга ўз-ўзини идроқ қилиш ва баҳолашидан намоён бўлади.

Мактабнинг педагогик муҳити янги ишга келган ўқитувчининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатади. Ушбу жараёнда ўқитувчида касбий жиҳатдан ўзини ўзи тушуниш, ўзи ҳақида, унинг хоҳиши-истаклари, тассавурлари, турли ҳил салбий оқибатларини бартараф этиш қобилиятига эга бўлиши, ўқувчилар ўртасидаги турли вазиятларни педагогик маҳорат асосида ҳал этиш ва уни ривожлантириш малакалари такомиллашади.

Ўқитувчининг компитенцияси касбий жиҳатдан ўзи ҳақидаги тушунчаларни умумлаштириш, шахсий муносабатлар тизимини вужудга келтириш, ўзи ҳақида тўпланган маълумотлар ёки ушбу жараённинг натижалари яъни ўз-ўзини англаши ва ўқувчиларнинг тарбия давомида ривожланиши, онгининг вужудга келишида

ушбу соҳадаги тажрибалар муҳим ўрин тутади. Ўз-ўзини англаш жараёнида ўқитувчи ўқувчилар жамоасида ўз позициясини намоён этиши, ўз нуқтаи назарига эга бўлиши, ўзини баҳолаш ва таҳлил этиши муҳим ўрин тутади. Бунда ўзига бўлган нуқтаи назар-яъни илгари мен қандай эдим, ҳозирги вақтда мен қандайман, келажакда ўзимни қандай кўраман каби жиҳатларга эга бўлиши унинг фаолиятини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўқитувчининг касбий компитенти унинг ўзини қандай тутиши ва ўзини баҳолаши, ўз фаолиятини босқичма-босқич амалга ошириши, ўз касбига меҳр кўйиши, жамоада ҳурматга, ҳар бир ишга маъсулият билан муносабатда бўлиши, ўқувчиларнинг индивидуал ҳусусияларини ҳисобга олиш ва онгли равишда ёрдам бериши, уларнинг қизиқишлари, мойиллиги, имкониятлари ва қобилиятларини аниқлаш билан боғлик диагностика ишларини амалга ошириши кабилар тарбия жараёнини мазмунли ва қизиқарли бўлишини таъминлайди. Бунинг учун ўқитувчи касбий педагогика, психологияга оид маълумотларни эгаллаши, мактаб ўқувчиларида ўз-ўзини тарбиялашни фоллаштириш, тарбия мазмунига оид маълумотларни тайёрлаш каби ишларни амалга ошириши муҳим ўрин тутади.

Ўқитувчининг тарбиявий ишларга тайёргарлиги - бу унинг педагогик маҳорати, юқори маданият, билимдонлик, меҳрибонлик ва окилона талабанчалик, болаларга бўлган муҳаббат, ёш авлодни тарбиялаш, таълим бериш кабилар унинг асосий компитенциялари ҳисобланади.

Бугунги кунда тарбия ишларини бошқариш мамлакат ва жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Тарбия ишларини бошқариш фаолиятида маънавий-ахлоқий хусусиятларининг устуворлигини такомиллаштириш, шунингдек, ўқитувчиларнинг тафаккурида мафкуравий иммунитетни кучайтириш, мактаб жамоасини жипслиги, маънавий баркамоллиги ҳамда жисмоний соғломлиги, демократик ҳамда умуммиллий тараққиёти таҳдидларига қарши тура олиш кабилар ўқитувчининг мақсадли фаолиятининг натижалари ҳисобланади.

REFERENCES

1. Mardonov S., Toshtemirova S., Ahmadjonov B., & Koshanova N. (2020). Structure and Mechanisms of Action of the Educational Cluster. *International Journal of Psychological Rehabilitation*, *24*(07), 8104-8111.
2. Usarov Djabbar Eshkulovich, & Suyarov Kusharbay Tashbaevich. (2020). Developing Pupils' Learning and Research Skills on the Basis of Physical Experiments. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, *24*(02), 1337-1346.
3. Эрназарова Г. О., & Исламова М. Ш. (2019). Совершенствование подготовки к профессии учащихся профессиональных колледжей на основе акмеологического подхода. *Pedagogy & Psychology Theory and practice International Scientific Journal*, *6*(26), 52-55.

4. Жабборова О. М. (2020). Психологические функции, формирующие художественное сознание студентов. *Педагогические науки*, *1*(46), 144-145.
5. Исмаилова Д. М., & Каримов С. Ш. (2019). Актуальные проблемы технологического образования школьников. *ВЫСШАЯ ШКОЛА Научно-практический журнал*, (22), 6-8.
6. Jabborova Onahon Mannopovna, Jumanova Fatima Uralovna, & Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of Artistic Perception of Future Teachers. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, *24*(4), 4087-4095.
7. Jabborova Onaxon Mannopovna, & Ismoilova Dilafruz Muhiddinovna. (2020, May). Optimization of primary education. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *10*(5), 1229-1232.
8. Mamadaliev K. R., Jabborova O. M., Umarova Z. A., & Abdullayeva B. P. (2020). Creation of a New Generation of Teaching Literature - A Requirement of Modernity. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, *24*(1), 612-619.